

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

**Ижтимоий фанлар кафедраси**

**МАВЗУ: КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИДА ОДОБ-АХЛОҚ**  
**МАСАЛАЛАРИ**

**РЕФЕРАТ**

**Бажарди: доц. Г.К. Машарипова**

**Тошкент - 2017**

## **КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИДА ОДОБ-АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИ**

### **РЕЖА:**

- 1. Маънавий баркамол комил инсон тушунчаси. Ислом Каримов асарларида баркамол инсонни тарбиялаш ғоялари.**
- 2. Шахс маънавияти белгилари, маънавий фазилатлар ва уни ривожлантириш омиллари-воситалари**
- 3. Ёшлар маънавиятини шакллантиришда миллий қадриятларни ўрни.**

**Мавзунинг ўрганишдан мақсади:** талабаларга маънавий баркамол инсон, комил инсон тарбиясида одоб-ахлоқ қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилишларининг зарурлигини уқтириш, шунингдек, шахс маънавияти белгилари, маънавий фазилатлар, уни ривожлантириш омиллари, воситаларини, ёшлар маънавиятини шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрнини ёритиш.

**Методик таъминот:** маънавий баркамол инсон, комил инсон тарбиясида одоб-ахлоқ қоидаларига оид манбалар, турли кўргазмали куруллар, мавзуга оид презентация.

**1-масаланинг баёни.** Ислом Каримовнинг «Озод ва обод Ватан. Эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» номли мақоласида «ишларимизнинг пировард мақсади - иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни тарбиялашдан иборат. Эндиликда маънавий ва маърифий тарбия мустақил давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди.

Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Аввало шуни айтиш керакки, маънавий баркамол инсон тушунчасининг ўзи кенг қамровли, серқирра

тушунча. Маънавий баркамол инсон - комил инсон тушунчаси билан ҳамхандир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларга шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини камраб олади. Булар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Маънавий баркамол инсон шон-шухрат, мансаб, моддий бойлик кетидан қувмайди, моддий қийинчиликларга дуч келганда қадди букилмайди, баъзан уюштирилган тухмату-фитналар унинг руҳини тушира олмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон маънавиятини буза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиниқтиради.

Комил баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблар мавжуд бўлган. Чунончи, Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абдурахмон Жомийнинг «Бахористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул-қулуб», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шох ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Мустақиллик руҳида янгича фикрлайдиган фозил, комил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини аъло даражасида ҳис этадиган шахс бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, ҳар қайси комил инсон, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва ҳар дам шу ҳақидаги ғоялар билан яшашимиз керак.

Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. У ўзининг ҳажми жиҳатдан кичик бўлса ҳам, аммо мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатдан мукаммал, фундаментал дастур бўлган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти йўли» номли асарида мустақилликнинг кейин Ўзбекистон ривожлантиришнинг маънавият соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди.

Ислом Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратади. Жумладан, «Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятини ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир». Худди шу фазилатларимизнинг моҳиятини талабаларга етказиш муаллимнинг диққат марказида бўлиши зарур. Чунки маънавиятимизнинг асосий манбалари ана шунга бориб тақалади. Бугунги ёшларимиз бунинг моҳиятига етиб боришлари зарурдир. Хусусан, улар «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» «Амир Темур-фахримиз, ғуруримиз», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ,

миллатни-миллат қилишга хизмат этсин», «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» («Туркистон» газетасининг мухбири саволларига жавоблар)», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда («Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар)», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз», «Миллий мафкура-келажак пойдевори», «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман («Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар)», “Юксак маънавият енгилмас куч” каби асарлари, нутқлари ва мухбирлар саволларида ўз ифодасини топган.

«Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида кўйидагиларни таъкидлайди: авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, идорасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрга эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас кадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен Ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишидир». «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – янги жамият қуришнинг муҳим шarti».

**2-масаланинг баёни.** Миллий мустақиллик даврида бу мавзунинг долзарблиги етук шахсни, баркамол мутахассисни, порлоқ келажакка эришиш, фаровон ва эркин ҳаёт қуриш зарурати билан изоҳланади. Ҳозирги мураккаб вазиятда ижтимоий ҳаётда янгилиш, содир бўлаётган бир паллада “одам”, “инсон”, “шахс” тушунчаларини чуқур англаш ҳар томонлама етук инсонни, фаол ва баркамол фуқарони тарбиялаш давлат маданий сиёсатининг муҳим вазифаси даражасига кўтарилган. Одамни диний, фалсафий, биологик нуқтаи-назардан талқин этиш қадимги даврлардан буён маълумки, бу ерда кўпроқ одамнинг фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига урғу берилади.

Одам, халқ Оллоҳ томонидан яратилган ёки космосдан тушган ёки табиий эволюцион тараққиёт асосида вужудга деган қарашлар мавжуд.

Одамни фалсафий талқинда кўпроқ социал мухит, ижтимоий шарт-шароит асосий томон деб кўрсатилади. Ҳозирги генетика фани генлар, хромосомалар, умуман, табиий-биологик омиллар авлоддан-авлодга ўтувчи ахборот-генлар асосий роль ўйнайди деб кўрсатади.

Ижтимоий фанларда **инсон** ахлоқи, маънавиятига урғу бериш, унинг онги, дунёқараши, эътиқоди, одоб-ахлоқ фазилатларини асосий томон деб кўрсатиш одат тусига кирган. Ислом фалсафасида эса диний иймон, диний ақидаларга қараб одамга баҳо бериш, уни таърифлаш кенг тарқалган. Инсон алоҳида био-социал организм, онгли, сўзловчи тирик мавжудот. Алоҳида инсон ўз табиий, ижтимоий, маънавий белгиларига эга. Лекин инсон ҳеч вақт яққа ҳолда мавжуд бўлолмайди. У муомала, муносабат, ўзаро алоқалар жараёнида оилада, жамоада шаклланади. У оила, маҳалла, боғча, мактаб жамоасида улғайиб ўзига хос дунёқараши, эътиқоди, ҳаёт тарзини ўзида мужассамлаштириб шаклланади.

**Шахс** - бу ўзида маълум ақлий қобилият даражасини, дунёқарашини мужассамлаштирган маълум ижтимоий мухитда шаклланган ижтимоий-маънавий алоҳида мавжудотдир.

Шахс маълум тарихий даврда маълум этник бирлик, социал табақа аъзоси сифатида шаклланади, яшайди. Шахс маълум гуруҳ, табақа ҳаёт тарзида таъсирланади, ўзига маълум қадриятларни олади, маънавий, мафкуравий таъсирдан озикланиб яшайди. Уни қанча ўз индивидуаллиги бўлмасин барибир туб ижтимоий ўзгаришлар, моддий маънавий талаблар уни тарбиялайди, салбий ёки ижобий томонга ўзгартиради. Индивидуал онг давр, замон, маълум миллий турмуш тарзи, тарихий тажрибаси ҳамда ижтимоий-оммавий онг таъсирида ривожланади, бойиб боради.

**Шахслар масаласини ўрганган олимлар бир неча таснифларни олға сурадилар:**

1. Пассив, бефарқ шахс.
2. Фаол, жамоатчи шахс.
3. Буюк, гений, даҳо шахс.

Ғарб социологиясида шахсни жамоатчи, дахо, альтурист, гуманист шахсларга бўлиб кўрсатиш кенг тарқалган. Зардуштийлик, Ислом динларда қобилятни инсонга Худо беради, у ёвуз ёки инсонпарвар, яхши ва ёмон, иймонли ёки иймонсиз бўлиши мумкин деб кўрсатилади. Шахс муаммоси тасаввуфида кенг ёритилган. Инсон ички гўзаллиги, иймон эътиқоди бахиллик, ёвузликдан йироқ бўлиши ҳақида муҳим ғоялар, фикрлар олға сурилади, сўфий олимлар ижодида.

Баркамол инсон, комил шахс ғояси ҳам тасаввуф таълимотида кенг муҳокама этилган. Аждодларимиз пасткашлик, ёвузлик, қабихлик, бахилликни қоралаган, олийжаноблик, буюклик, эзгулик, яхшилик, инсоф ва диёнатни, жасурлик ва меҳрибонликни ардоқлаб қўйган.

Қадимги юнон халқи Афродитанинг ўлмас образини яратиб, жисмоний ва маънавий томонлар яхлитлиги, ички ва ташқи гўзаллиги бирлиги, рангбаранглик ва яхлитлик бирлиги тўғрисида бой маънавий тасаввур, эстетик таълимот яратди. Афродита маъбудасида шакл, ташқи, ички томон, мазмун уйғунлиги гўзал ифодаланган, бу дostonларда эса янада яққол тасвирланган. Ҳозирги замон талқинида ҳам инсон гўзаллиги унинг ташқи кўриниши ва ички маънавияти уйғунлигида, одоб-ахлоқи, элига, инсонга, Ватанга, ёрга ота-онага меҳри, садоқати каби томонлар мавжудлигида деб қаралади. Дарҳақиқат, инсон табиатга, жамиятга меҳри, муҳаббати, меҳнати, яратувчанлиги, инсофи, меҳрибонлиги, ақл-фаросати билан гўзалдир.

Нарсалар, буюмлар ва инсон гўзаллиги - бу кўп томонлар, сифатлар, хоссалар комплекси, уйғунлигидир. Табиат гўзал, инсон гўзал, жамият гўзал. Табиатни ўрганиб, ўзгартириб, ўзлаштириб яшагани учун ҳам инсон гўзалдир.

Инсон табиат гўзаллиги, қонуниятларини англаб яшаш, табиатни асраши, ўзининг келажак учун ҳам уни ардоқлаб, қайта бойитиб яшаши зарур, ҳалокатдан табиат ва ўзини сақлаш шунга боғлиқ.

Ҳозирги экологик вазият инсондан улуғворлик, гўзаллик, етукликни ва шу аснода оқилона, мақсадли фаолият юритишни тақозо этмоқда. Инсон табиатдаги меъёр, мувозанатни бузмай яшаш, унга оқилона муносабатда бўлиш ўз умрини ва табиат мавжудлигини абадийлаштиради. Инсон гўзаллиги қошу-кўзи, қомагида эмас, балки амалий ҳаёти, ақл-фаросатидир.

Инсон гўзаллиги аждодларга, ота-онага ва ёрига меҳрибонлиги ва фаросатидир. Ранг-баранглик бирлиги, хоссалар уйғунлиги, хилма-хиллик бирлиги, элементлар тизими, қисмлар яхлитлиги ҳам, табиий-қонунийлик ҳам гўзаллик мезонидир(Гегел). Моҳият ҳам, фарқлар, турли томонлар нисбати, бирлигидир. Лира ва ёй ҳам томонлар гармонияси, мослигидир.

Гўзаллик - конструктив ҳодиса, ўзгарувчан ҳодиса, нозик мураккаб томонлар нафис яхлитлиги. Инсон яратган нарсалар, санъат асарлари гўзал ва гўзаллик ифодаси, лекин гўзаллик ифодаси талаби, тушунчаси мезони ва меъёри ҳам диалектик ўзгариб боради.

Негаки, аввалги соат, автомобиль, уйлар, кийимлар бугунги дидимиз, тушунчамизга, талабимизга тўғри келмай қолди. Инсон маънавияти, гўзал фазилатлари ижтимоий муносабатлар, жараёнлар давомидв шаклланади, тобланади.

**Инсоннинг чин маънодаги инсонлиги** – унинг иймони, диёнати, меҳр-оқибати, поклиги ва ҳалоллиги, камтарлиги ва бошқалар билан ўлчанади. Буни биз умумий тарзда инсонийлик тушунчаси билан ифодаланишимиз мумкин. Инсонийлик эса фақат иймонли инсонлардагина бўлади. Биз бу ўринда ҳамма кишилар учун умумий тарзда тегишли бўлган масалалар устида баҳоли қудрат фикр юритамиз. Агар биз иймон тушунчасининг моҳиятини тўғри англаб тушуниб олсак, иймонни изоҳловчиси бўлган диёнат, меҳр-оқибат, поклик ва ҳалоллик, камтарликнинг ҳам моҳиятини билиб оламиз. Фақат иймонли кишиларгина поклик ва ҳалоллик, диёнат, эзгулик, меҳр-оқибат йўлида бўладилар.



**Иймон тушунчаси.** “Иймон” арабча сўз бўлиб, лўғавий маъноси “ишонч” демакдир. Иймонлилик ҳар бир шахс учун муқаддас туйғу ҳисобланиб, у инсонларга юксак маъсулият юклайди. Маънавий ахлоқий фазилат сифатида эса иймон фақат одамзотгагина хос руҳий ҳодиса жумласига киради. Инсон, одамзотдан ташқари ҳеч бир махлуқотда иймоннинг ўрни-таги ҳам йўқ.

Бинобарин, одамзот жамики бошқа жонзотлардан бирон бир бошқа нарсага ишониб, уни муқаддас деб билиши, яъни иймон келтириши билан ажралиб туради. Иймон киши маданиятининг, ахлоқининг ўқ илдизи, пойдевори, негизидир. Иймондан маҳрум кишининг ақли нечоғли ўткир иродаси нақадар чўнг бўлмасин ва улар туфайли ўзлигидан қанчалик мағрурланмасин, у чинакам инсонлар қаторига ҳеч қачон киритилмаган, киритилмайди ҳам. Зеро, иймонсиз одам на Оллоҳдан кўрқади ва на бандаларидан уялади. У ўз нафсининг итоаткор кули бўлиб, ҳар қандай разолат, пасткашликлардан қайтмайди.

**Иймон тушунчасининг ислом таълимотидаги талқини.** Шариатда эса, жоноб пайғамбаримиз Муҳаммад а.в.с. Оллоҳ тарафидан келтирган барча хабарларга тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлашга **иймон** дейилади. Яъни Қуръони Карим ва Хадиси Шарифлар орқали Оллоҳ тўғрисида, жаннат, дўзах, қиёмат кабилар ҳақида берилган хабарларга ишонч иймондир.

Иймоннинг моҳияти азалдан олам ва одамзотнинг келиб чиқиши, одамнинг оламдаги ўрни қандай, инсон сўзининг маъноси нимада, зоти-башар нимага даъват этилган, у нималарга қодир, нималарга қодир эмас сингари муаммолар ташкил этиб келади. Ҳамма динларда иймонга алоҳида эътибор берилади.

Иймон барча динларнинг устуни саналади. Чунончи зардуштийлик иймони уч таянчга: ният – фикрнинг софлигига, сўзнинг собитлигига, амалларнинг инсонийлигига суянади. Иймон киши ўғрилиқ ва талончиликдан ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтиришда, бировнинг

хаққиға хиёнат қилишдан, бошқача айтганда, ўзлигига, яъни ўз иймонга хилоф, зид иш қилишдан ўзини тия биладиган комил инсондир. Иймонли одамга юқорида қайт этилган ҳодисаларни қилма, гуноҳ бўлади деб тарғиб қилишнинг ҳожати йўқ..

Ҳозирги кунда диний иймоннинг бир неча турлари бўлиб, жаҳон аҳллари аро тарқалганлари тўрттадир: буддавий иймон, иудаий иймон, исовий иймон, исломий иймон. Бу иймон турлари мазмун жиҳатдан фарқлансада, аммо моҳиятан бирдир. У ҳам бўлса бирон-бир нарса ва ғояни бениҳоя шарифу муқаддас, азизу мукаррам билиб, кундалик фаолият ва хулқ атворда ана шу эътиқоддан келиб чиқиб, хатти-ҳаракат қилишдан иборатдир. Бинобарин, жамики иймон тури киши амалий фаолият ва хулқ атвори дастури сифатида намоён бўлади.

Диний иймон билан бирга инсон тажрибаси, билими туфайли юзага келган дунёвий иймон ҳам бор. Дунёвий иймон мазмунини олам ва одам ҳақида сўнгги икки ярим минг йил мобайнида кашф этилган илмий-фалсафий билимлар меҳнат аҳлининг тўплаган ҳаёт тажрибаси, ижтимоий хотираси, турли-туман удумлар, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар ва улар хамиридаги билимлар ташкил этади.

Дунёвий иймоннинг ўзаги одамийликдан иборат бўлиб, унинг таркибига кирадиган унсурлар, қирралар, жиҳатлар ғоят турли-тумандир. Одамийлик деганда, халқимиз узоқ тарихи давомида турли синовлардан ўтиб сайқал топиб келаётган ва фақатгина ижобий фазилатлар тарзида эъзозланадиган ахлоқий қадриятларни тушунсак бўлади.

Одамийлик ғояси халқимизнинг бутун турмуш тарзига, урф-одатлари ҳамда анъаналарига унинг мислсиз бой оғзаки ижодига, мумтоз адабиётимиз ва санъатимизга сингиб кетган бўлиб, ҳозиргача чуқур ўрганилиб умумлаштирилгани йўқ. “Одам бўлиш осон, одамий бўлиш қийин”, “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”, “Ўзингга раво кўрмагани бошқага раво кўрма”, “Ёмон ўз ғамида, яхши – эл ғамида” сингари ҳикматларда аждодларимиз ардоқлаган одамийлик қадриятларининг бир заррасигина акс

этган халос. Диний ва дунёвий иймоннинг моҳиятида андак тафовут бўлса ҳам уларнинг мазмуни ва шаклий тузилиши бир хил. Чунончи, диний иймондан кўпроқ Оллоҳга, дунёвий иймонда эса одамийликка, чин инсонийликка урғу берилади. Уларнинг ҳар иккови ҳам аслида кишини чинакам, бош ҳарфлар билан ёзилувчи ИНСОН бўлиб тарбия топишига қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустамлакачилик ва қарамлик, катағонлик йиллари халқимизнинг минг йиллар давомида таркиб топган ҳам диний, ҳам дунёвий-ахлоқий иймонига қакшатғич зарба берилди. Олис мозийдан қувват олиб, тобора равнақ топиб келаётган диний иймон назарий жиҳатдан коммунистик мафкуранинг ашаддий душмани дея эълон этилиб, амалий жиҳатдан аёвсиз таъқиб ва тазйиқ остига олинди. Турли йўллар билан таҳқирланди, иймонига содиқ бўлган минглаб диндорлар, аввало руҳонийлар жисмонан йўқ қилиб юборилди.

Дунёвий иймон эса машъум синфийлик мезонига солиниб, сохталаштирилди, бузиб талқин этилди. Оқибат шунга олиб келдики, ҳатто энг яқин туғишганлар, яъни ота-она, она-бола, ака-ука, опа-сингиллар – ҳамма-ҳаммаси бир-бирига ашаддий душман қилиб қўйилди. 70 йил мобайнида кишиларимиз ҳам диний, ҳам дунёвий иймонга зид ғайри инсоний руҳда тарбияланиб келинди. Миллатимиз кишилари орасида ўз иймонига қарши замона зўравонларига ялтоқлик, хушомадгўйлик, чақимчилик, таъмагирлик, порахўрлик, ғирромлик, хиёнаткорлик, риёкорлик, хуллас тил билан дилнинг, дил билан амалнинг бошқа-бошқалиги, иймонига зид сингари ахлоқий иллатлар болалаб кетди. Диний ва дунёвий иймон майиб-мажруҳ ҳолатга келтирилди. Иймон кишилиқ ҳаётида шу қадар ҳал этувчи мавқега эгаки, усиз чин маънодаги дин ҳам ахлоқ ҳам, инсон ҳам, демакки жамият ҳам бўлмайдди.

Юқорида айтганимиздек, дунёвий иймонда кўпроқ инсон ахлоқидаги одамийликка урғу берилади. Кундалиқ ҳаётда иймон сўзи кенг қўлланилади. Бунда кўпроқ дунёвий иймон маъноси кўзда тутилади. Чунончи, халқимизда

айрим кишиларнинг ўта ахлоқсизлик ҳатти-ҳаракатига нисбатан “иймонсиз” деган ҳақоратомуз ибора ишлатилади. Бу ҳақорат замирида Оллоҳга ишонч-эътиқоди йўқ, худодан, диндан қайтган, худосиз маъноларидан ташқари виждонсиз, виждонфуруш, ярамас, разил, диёнатсиз каби дунёвий иймон ҳам акс этган. Бу шундай ашаддий диний ва дунёвий ҳақоратки, ўтмишда шу ҳақоратга асоссиз дучор бўлган ориятли кишилар ҳақорат этувчи кимса устидан қозига шикоят қилишгача борган. Иймони йўқ кишилар эса маҳалла-қуйда, яқин кишилари орасида лаънатланган ҳисобланган, ундай кишилар билан муомала қилинмаган, охир-оқибатда орияти дош беролмаса кўчиб кетишгача борилган....

Демак, иймонли киши бу - эътиқодли, ўзининг аниқ маслағига эга, такводор, ҳамиятли, ориятли, ор-номусли, шарм-хаёли, виждонли, андишали, инсофли, камтарин, ҳалол ва пок, тўғри сўз каби фазилатлар соҳибидир. Инсонийликнинг муҳим шартлари – диёнатлилик, меҳр-шафқатлилик, поклик ва ҳалолликнинг иймон тушунчаси ўз ичига олади. Чунки фақат иймон соҳиби бўлган инсондагина диёнат, меҳр-шафқат, поклик ва ҳалоллик бўлади. Иймонсиз кишилардан уни кутиш мумкин эмас. Ана шу ва бошқа фазилатлар бўлмагани учун ҳам баъзи одамларга нисбатан иймонсиз сўзини ишлатамиз.

**Иймон, диёнат ва виждон тушунчаларининг муштараклиги.** Иймонли бўлишнинг яна бир белгиси – одамнинг диёнатли, виждонли бўлишидир. Диёнат ва виждон бир-бирига яқин тушунча. Виждон ҳар бир киши ҳатти-ҳаракатларига баҳо берилишида бош мезондир. Диёнат ва виждон одамлардаги инсоф туйғусига ҳам монанддир. Диёнат ва виждон кишининг кундалик фаолияти, қилмиши ва феъл-атвори учун аввало, ўз олдида, қолаверса оила, жамоат, жамият ва Ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир. Виждонли, диёнатли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан ғазабга келади, уларга қаршилик билдиради. Ўз фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб, хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилади, виждон азобига учрайди. Ўзини билган одамга виждон азобидан

оғирроқ жазо йўқ. Шунинг учун халқимизда “виждон азоби гўр азоби” деган мақол бор. Бу мақолнинг тагида чуқур маъно ётади.

**Шарм-ҳаё** – иймонлилик белгиси саналади. Шарм – бу ҳар бир одамнинг ножўя, ёмон хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиши, уялиш ҳисси. Ҳадиси шарифларда айтилишича, одам энг аввало ўзидан уялиши керак. Ножўя, ёмон қилмиши, хатти-ҳаракати учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам ножўя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Ўзидан уялмаган одамда шарм бўлмайди. Демак, шарм - одам ўз ножўя ҳаракати учун ўз виждони, диёнати олдида жавоб бериш ҳисси, десак бўлади.

**Ҳаё** – бу ўзбекча уят демақдир. Ҳаёсиз, беҳаё дейилганда, уятсиз иш қилганда хижолат чекмайдиган, одоб-ахлоқсиз киши тушинилади. Ҳаё эркак кишига нисбатан аёлларда табиатан кўпроқ бўлади. Эркак киши бемалол айтадиган баъзи сўзларни аёллар турли андиша ва уялиш туфайли айта олмайдилар, ҳаё уларга йўл бермайди. Ҳаёли бўлиш, бу фақат уятли сўзларни айтмасликда эмас. У бундан ҳам кўра кенгроқ маъно ва мазмунга эга. Шарм-ҳаёли бўлиш инсонни ҳайвон сингари тубанлашиб кетишдан сақлайди. Ўз ножўя хатти-ҳаракатидан уялиш ҳисси фақат одамларгагина хос хусусият. Фарзандларимизни шарм-ҳаёли қилиб тарбиялаш оиладан бошланади. У миллий тарбиянинг муҳим жиҳатини ташкил этади

Иймонли бўлишнинг белгиларидан бири **ор-номус** ҳисобланади. **Ор** қилиш одамнинг ўзига номуносиб ёки эп кўрмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, уят ва номус қилиш туйғусидир. Ор яна бирор нарсадан ҳазар қилишни ҳам билдиради.

**Орият** эса ор-номусдан ташқари иззат-нафс, қадр туйғусидир. Одатда ориятли одамлар ўзлари ва оилаларининг туғишганларининг иззат-нафси, қадри, ҳурматини юксак тутиб, бошқалар томонидан топталиши, ҳақорат қилиниши ва ҳурматсизланишига лоқайдларча қараб турмайди, туролмайди.

**Номус** – бу иффат, бокиралик маъноларидан ташқари кишининг ўз мавқеини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғусини, оила ва аждодлар шаънига доғ туширмаслик маъносини ифодалайди. Кўпинча, бирор

кишини унинг оила аъзоларини, аждодларини ноҳақ ҳақоратласалару, у киши бунга бепарво, лоқайдларча турса, ундайларга қарата ор-номус, орият борми ўзи, деб хитоб қилинади. Бизнинг ота-боболаримиз, халқимиз қадимдан ор-номусли, ориятли бўлиб келган, шунинг учун улар ўз юртини, унинг тупроғини, оналари ва фарзандларини бошқа босқинчилар томонидан топталишини ўзлари учун ор деб билганлар. Кўринадикки, ор-номус, орият моҳиятида ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари яшириниб ётади.

**Меҳр-шафқатлилик тушунчаси.** Меҳр-шафқатлилик ҳам иймоннинг белгиларидан бири бўлиб, шахс маънавиятининг ажралмас фазилати ҳисобланади. **Меҳр-шафқат** одатда етим-есир, қаровсиз қолган қариялар, ғариблар, ногиронларга нисбатан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш туйғуси, десак бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин одамларда, айниқса ёш авлодда поклик ва ҳалоллик одобини мустақиллик руҳида шакллантириш вазифаси турибди. Инсоннинг инсонлиги унинг **поклиги ва ҳалоллиги** билан ўлчанади. Шунинг учун ота-боболаримиз ҳамиша ҳалол ва пок бўлишга даъват этиб келишган, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш тўғрисида насиҳат қилишган. Бу мусулмон олами, хусусан ўзбек халқи ахлоқ-одаб қонуниятининг асосини, бошқача айтганда иймоннинг негизини ташкил этади. Поклик ва ҳалоллик эса иймоннинг асосий белгиларидан биридир. Поклик ва ҳалолликсиз иймонли бўлиш мумкин эмас. Иймонли бўлишнинг ўзи эса инсоннинг поклиги ва ҳалоллигига йўғрилгандир. Пок ва ҳалол бўлмаган одамдан эзгулик чиқмайди, унда меҳру шафқат, орият, номус, шарм ва ҳаё бўлмайди. Кўринадикки, иймоннинг барча белгилари асосида поклик ва ҳалоллик ётар экан. Мана шунинг учун ҳам бизнинг ота-боболаримиз поклик ва ҳалолликка алоҳида эътибор берганлар.

Ҳалол бу инсонлар учун руҳсат қилинган яхши, ижобий ишлар, ҳатти-ҳаракатлар мажмуасидир, меҳнат эвазига топилган нарсалар, шунингдек пок ва тоза озиқ-овқатлар сирасидир. Ҳалолликнинг янада кенгроқ маънодаги жиҳатлари ва бу турмушдаги ҳалоллик, ўзаро муомала муносабатдаги

ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик ва шу кабилардир. Юраги, қалби пок ва тоза ҳалол йўлдан юрган инсонлар ҳамиша хотиржам бўлади, кўнгли равшан буюк аллома Маҳмуд аз-Замаҳшарий бу ҳақда шундай деб насихат қилади: “Ҳалол ва покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат у ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир”.

Ҳаёт асосан оиладан бошланади. Ўзбек халқида “қуш уясида кўрганини қилади” деган нақл бор. Демак, ота-она пок ва ҳалол бўлса, фарзанди ҳам шу руҳда камол топади. Фарзанддаги яхши феъл ва амаллар ҳалол луқмадандир.

Хулоса шуки, поклик ва ҳалоллик иймонли бўлишнинг асосий шартидир. Инсондаги яхши ёки ёмон иллатлар унинг иймониغا, яъни поклиги ва ҳалоллигига боғлиқ. Инсон иймонининг поклигига доимо шайтон раҳна солиб, уни йўлдан адаштирмақчи, ношаръий йўлларга солмақчи, ҳалоллик поклик йўлидан урмақчи бўлиб қалбида ғулғула уйғотишга ҳаракат қилади. Шунини яхши эсда сақлашимиз керакки, поклик ва ҳалоллик ёнида доимо уни шу йўлдан оздирмақчи бўлган шайтоний васваса ҳамроҳ бўлиб юради. Озгина иймон йўлидан тойилишга мойиллик бўлса, ўша ерда дарров шайтоний ҳиссиёт бош кўтаради ва охир оқибат инсон қалбини забт этишга интилади. Шунинг учун доимо иймон, поклик ва ҳалоллик йўлидан хушёр туришимиз керак. Бу айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида ниҳоятда зарур.

Юқорида иймонли одамнинг асосий белгилари устида фикр юритдик. Уларнинг ҳар бирини инсон учун безак, деб билмақ керак. Шу ўрнида инсон учун ниҳоятда зарур бўлган бошқа бир безак устида тўхтаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Бусиз инсон баркамол бўла олмайди. У ҳам бўлса **камтарлик белгисидир**. Камтарлик одамни безайди, обрўсини оширади, дўстларини кўпайтиради.

**Камтарлик** – инсон ички маънавий дунёсини намоён бўлишидир. Агар инсоннинг қонида қалбида юмшоқлик, саховат, одоб-андиша, шарм-ҳаё, ор-

номус, орийат бўлмаса минг ҳаракат қилмасин, барибир одамлар кўзига камтар бўлиб кўрина олмайди.

Ўзбек халқи урф-одатида, миллий қадриятларимизда такаббурлик қилувчилар, фирибгарлик, мақтанчоқлик, манманлар кескин қораланади. Камтарга камол, манманга завол, деган ўғитлар беҳикмат эмас.

Тарихчи Хондамир “Мукомирул-ахлоқ” китобида “Бошингга такаббурлик ҳавасини келтирма. Чунки такаббурлик билан ҳеч ким бирор жойга етган эмас. Гўзаллар зулфи каби шикасталикни (камтарликни) одат қил, бу билан ҳар нафасда минглаб кўнгилни овлайсан”, - деб кўрсатган эди.

Хуллас, ҳар биримизни иймон, поклик ва ҳалоллик, ор-номус, шарм ва ҳаё, камтарлик, қўйингки инсонни безовчи гўзал хулқ-одоб, ахлоқ тарк этмасин.

**3-масаланинг баёни.** Миллий маънавий мерос ва қадриятлар тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркиби қуйидагилардан иборат:

- тарихий мерос ва тарихий хотира;
- маданий ёдгорликлар, осори атиқалар, қадимий қўлёзмалар;
- илм-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналари;
- санъат ва миллий адабиёт; -ахлоқий фазилатлар;
- диний қадриятлар;
- урф-одат, анъана ва маросимлар;
- маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.

**Маданий ёдгорликлар, меъморчилик санъати** намуналари, қадимий қўлёзмалар—миллий маънавиятнинг бебаҳо дурдоналари, халқимиз учун энг қадрли ва муқаддас бўлган бойликлардир. Маълумки, жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятсиз яшай олмайди. Бугунги энг муҳим вазифалардан бири маънавий меросни мустаҳкамлаш, ўрганиш ва уни ривожлантиришдир. Шундагина ёшлар ўз халқининг тарихини, маданий мероси, унинг маданияти, қадриятларини, санъатини чуқур биладиган бўлади. Ўтмиш ҳақидаги таассуротлари бойийди ва тиниқлашади. Шу



Ўринда юртимизда минг йиллар давомида сақланиб келаётган тарихий обидаларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини кўрсатиш мумкин. Масалан, Самарқанддаги Гўри Мир, Шердор мадрасаси, (Регистон ансамбли), Шоҳи Зинда, Бибихоним, Бухорадаги Минораи Калон, Регистон, Хоразмдаги Исён калъа, Тошкентдаги кўпгина обидалар бунга мисол бўла олади.

Ёшларимиз юртимизнинг маънавий ва маданий меросни ўрганишга имкониятлар яратиш мақсадида Республикамиздаги тарихий обидалар, муқаддас жойлар ва мустақиллик давридаги қурилиш объектлари, музейларга ўқувчилар, талаба ёшларни саёхат ишларига жалб этиш катта ахлоқий аҳамият касб этади.

**Илм-фан** ва унинг ютуқлари — миллий ёки ҳудудий чегарадан чиқадиган, бутун жаҳон эътироф этадиган, умуминсониятга хизмат қиладиган бойликдир. Бироқ олимнинг ижоди ва унинг илмий кашфиёти, аввало, унинг миллати ва Ватанини дунёга танитади, миллий кадриятни жами башариятнинг ютуғига айлантиради.

Миллийлик, халқнинг руҳияти ва маънавияти, айниқса, санъат ва адабиёт ривожига ёрқин ифодаланади

Миллий маънавий кадриятлар тизимида ахлоқий сифатлар, диний кадриятлар муносиб ўрин эгаллайди ва миллий ўзликни англашнинг муҳим шarti, омили сифатида намоён бўлади.

**Кўни-қўшничилик муносабатлари** узоқ тарихга эга бўлиб, асрлар давомида бу борада муайян кадриятлар шаклланган. Жаҳон тарихининг охириги бир неча асрида ҳукмрон бўлган бегоналашув жараёни бу соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказган. Айрим ерларда қўшниларга мутлақо бефарқлик юзага келган. Бундай ҳолатнинг олдини олиш муҳим.

Ўзбек халқининг кадриятлари тизимида қўшниларга муносабат катта ўрин эгаллайди. Халқ яратган мақол ва маталлар (мас. «Ён қўшни — жон қўшни», «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал», «Ҳовли олма —

кўшни ол» ва х,к) унинг бу масалада ўзига хос фалсафаси борлигидан далолат беради.

Яхши кўшничилик муносабатлари бузилган, арзимас сабаб билан кўшнилари юз кўрмас бўлган ҳолларда қанчалар теран миллий қадрият оёқ ости бўлганлиги, бағрикенглик ва мураса тамойили лат еганлиги аён бўлади.

**Кексаларга ҳурмат** — инсон ҳаётининг тажрибаси давомида шаклланган қадрият. Жонли табиатда ҳаёт учун кураш қонунияти мавжуд. Насл қолдириш, янги авлодга меҳр қўйиш, уни оёққа турғазгунча жон фидо қилиш ҳоллари аксарият ҳайвонларда кузатилади. Аммо, қадриятларни эъзозлаш, кексаларга эҳтиром, меҳр-мурувват кўрсатиш—инсоний фазилатдир. Буларсиз миллий ахлоқ-одобимизни тасаввур эта олмаймиз.

Ривоят қилишларича, бир қабилада шундай одат бўлган экан: отаси қариб, кучдан қолгач, ўғли орқалаб, кимсасиз тоққа элтиб ташларкан. Бир фарзанд отасига раҳми келиб, яширинча овқат олиб бориб, падарини ўлимдан сақлабди. Ўғлини паришон кўрган ота бунинг сабабини сўраганда, юртда вабо тарқалгани, чораси топилмаётганини билибди. Донишманд чол айтган йўл-йўриқ туфайли бало даф бўлибди. Яна бир пайт табиий офатдан, кейинги сафар душманнинг ҳужумидан қариянинг маслаҳатлари қабилани қутқарибди. Йигитнинг «доно»лиги сабаблари юртдошлари сўраганда, у ўлим жазоси хавф солса ҳам, отасини асраб қолгашга, унинг ўғит ва маслаҳатлари ас қотганини айтибди. Шу-шу кексалар ҳурматини жойига қўйиш расм бўлибди. «Кексани қопда сақла, ўлигини ҳафта сақла».

Катталарни ҳурмат қилишдек миллий қадрият, баъзан ёши ва илми улуғлар қолиб, мансаби юқориларга қуллуқ қилиш каби салбий ҳолатларни эътироф этмайди. Айни пайтда, халқ томонидан кўрсатиладиган юксак эҳтиром кексаларга ҳам катта масъулият юклайди. Ота-боболаримиздан Ватанга элга муҳаббат муқаддас туйғу эди. Улар Ватан,

халқ манфаати, миллий кадр-қиммат, ор-номус масаласини ҳамма нарсдан устун қўйганлар, керак бўлганда жонини қурбон қилишни шараф деб билганлар.

*Аёл зотиға эҳтиром* — инсониятнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган хотин-қизларга бўлган муносабатнинг энг юқори чўққисидир. Тарихда аёллар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳукмрон бўлган давр матриархат деб аталган. Ҳукмронлик эркакларга ўтган даврларда аёлнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини камситадиган муносабатлар жорий этилган. Демократиянинг энг муҳим ютуғи ҳар икки жинснинг тенг ҳуқуқли ва эркин бўлишини таъминлашдир.

Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар хотин-қизларга муносабатда асосий қонуннинг халқаро ҳуқуққа мос қодаларига амал қиладилар. Ўзбеклар аёлга, аввало, Она, меҳрибон опа-сингил, ардоқли қиз деб қарайдилар. Оилада аёлнинг ўзига хос мавқеи ва ўрни бор. Халқнинг бой маданий мероси, адабиёти, санъати ва фалсафаси миллий ғоясида акс этади. Шунингдек, аёлларининг гўзаллик ва нафосати, уларнинг вафо ва садоқати тимсоли сифатида гавдаланади.

*Онага бўлган ҳурмат ва садоқат*—энг олий қадриятдир. Шунинг учун Ватанга, миллий тилга нисбат берилганда, Она номи қўшилади. Миллий истиқлол ғояси оналар учун, жамиятдаги барча аёллар учун фаровон ҳаёт, гўзал турмуш яратишни мақсад қилиб, хотин-қизларнинг эркинлиги ва ўз кадр-қимматини англаб етишига, ўз салоҳият ва имкониятларини юзага чиқаришига шароит яратишни бош ғоясида мужассамлаштирган.

**Оила — муқаддас бўлиб олий қадриятдир.** Оила қуриш — ўта масъулиятли ишдир. «Оила — эскилик унсури эмас». У муқаддас, оилада миллат келажаги мужассам. Айрим халқлар менталитетида фарзандлар вояга етгач, оиласи, ота-онасини ташлаб, фақат ўз кучи билан мустақил оёққа туриш учун ўйини тарк этади. .

Ўзбек оиласидаги миллий удумлар, анъаналар, кадриятлар аждодларимизнинг бола тарбияси борасидаги ўғитлари ниҳоятда ибратлидир. Ҳозирги миллий кадриятларимиз тикланиб, исломий ва дунёвий билимларни пухта эгаллаш учун барча имкониятлар яратилаётган бир вақтда ана шу юксак маънавий кадриятларимизни ёшларимиз онгига сингдиришда оила, маҳалла ва мактаб ўрнини яна бир маротаба таҳлил қилиш самарадорлигини оширишнинг барча чора тадбирларини кўриш зарур.

**Дастлабки ахлоқ маскани бўлмиш оилалар йиғиндиси фуқаролик жамиятини, миллатни ташкил қилади. Фуқаролик жамияти моҳиятан оила билан давлат ўртасидаги даража. Фуқаролик жамияти замонавий дунёмизда вужудга келади. Зеро, ҳозирги пайтдагина фуқаролар ҳуқуқи ҳақиқатдан ҳам инобатга олинади. Фуқаролик жамияти турли табақалардан ташкил топади. Улар орасида табақавий ёки синфий зиддият рўй бериши мумкин эмас. Чунки бунда шахс-давлат фуқароси манфаатлари биринчи ўринда туради ва бу манфаатлар ҳам ахлоқий, ҳам қонуний жиҳатдан ҳимоя қилинади.**

Маҳалла — ўз-ўзини бошқаришнинг ўзбек халқи яратган энг катта ютуғи, оқилона шаклидир. Маҳалла — тарбия маскани, ҳар бир оилага таянч ва суянч эканлиги кўпчиликка аён. Ўзбек халқининг ҳаёти, кундалик турмуши, кадриятлари билан танишган ҳолис фикрли хорижликлар маҳаллани ноёб кадрият, буюк кашфиёт сифатида эътироф этмоқдалар. Буюк олмон файласуфи Ҳегель давлатни ахлоқий ғоянинг воқе бўлиши деб таърифлайди ва табиий муносабатларни маънавий муносабатлар билан муқояса қилиб, оилани-ҳиссиётга, фуқаролик жамиятини асабнинг таъсирланиш қобилиятига, давлатни эса ўзи учун асаб тизимига ўхшатади. У ўз ичига ботинан ташкил топган, бироқ унинг яшаши ўзида икки ҳолатнинг тараққий топиши билан боғлиқ, булар оила ва фуқаролик жамияти. Ақлнинг рўёбга чиқиши сифатида ҳар бир шахс

**ихтиёрига хосдир. Одатда давлатнинг мақсади ўз фуқароларини бахтли қилиш бўлиб ҳисобланади. Агар фуқаролар қийналса, уларнинг субъектив эҳтиёж мақсадлари қондирилмаса, давлатнинг мустақамлиги шубҳа остида қолади. Давлатнинг асоси - сиёсий тизим. Унинг тақдири ҳам ана шу сиёсий тизимга боғлиқ.**

**Меҳнат** - инсон фаолиятининг энг муҳим тури, фаровон ҳаёт кечиришнинг асосий шартдир. Лекин меҳнатга муносабат, унинг роли ва аҳамияти турли давр ва доираларда турлича талқин етилган.

**Таълим** инсон тарбиясида муҳим ўринга эга. Халқимиз бу борада ҳам ўзига хос меросга эга. Зардуштийлик таълимотида шундай деб ёзилган: «Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқиши ва сўнгра ёзишни ўрганиши билан энг юксак поғонага кўтарилсин».

**Меҳр ва мурувват** — инсонийликнинг ажралмас белгила-ридир.

**Ҳалоллик** — инсоният яратган энг олижаноб ахлоқий фазилатлардан биридир.

Ўзбекистоннинг бугунги миллий-ахлоқий дунёқараши, мафқураси фақат ўзбек халқининг узоқ тарихий тараққиёти жараёнида яратган, авайлаб асраб келаётган илмий билим хазиналари, бой тарихий тажрибалари, халқ донишмандлигининг тимсоли, ажойиб намунаси бўлган урф-одатлар ва анъаналар, удумларга, миллий қадриятларига асосланиш билан кифояланиб миллий қобикқа ўралиб ва чекланиб қолганда, у ҳеч қачон жамиятимиз тараққиёти ва истиқболига тўла жавоб бера олиш имкониятига эга бўла олмас эди. Унинг халқимиз ва миллатимизнинг талаб истаклари ва манфаатларига бемалол жавоб бериши давримизги мос ва мувофиқлигининг асосий сабаби мафқураимизнинг айни бир пайтнинг ўзида ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларига асосланганлиги, уларнинг ҳар иккаласидан куч қувват олаётганлигидир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ва умуминсоний қадриятлар - Ўзбекистонда миллий ахлоқни шаклланиши ва ривожланишидаги бир-

биридан асло кам бўлмаган икки муҳим манба, икки таянч нукта, икки ўқилдиздир. «Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тил ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси, умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши ҳалолликни, мардлик ва сабр бардошликни, адолат туйғусини билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсал йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи керак»<sup>1</sup>.

### Адабиётлар:

1. Ахлоқ-одобга оид хадис намуналари. «Фан» Т., 1990 й.
2. Кайковус. «Қобуснома» Т., «Ўқитувчи», 1986 й.
3. Шорасул Зуннунов. Донишмандлар тарбия ҳақида. Т., «Ўқитувчи». 1998 й.
4. А.Авлоний. Туркий гулистон ўхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи» 1992 й.
5. О.Тўраева «Бола азиз, одоби ундан азиз» Т., «Ўқитувчи» 1986 й.
6. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т., 2000 й.
7. О.Тўраева., М.Туропова. «Одобнома». 5-синф. Т., «Ўқитувчи» 1996 й.
8. Қ.Назаров . Аксиология – қадриятлар фалсафаси. – Т.: ЎФМЖ, 2004
9. Аристотель. Сочинения в 4-х томах. – М.: 1975.ч.1
10. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Қ.Назаров . таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004
11. Фалсафа энциклопедик луғат. Назаров Қ. таҳрири остида. –Т.: Шарқ, 2011
12. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004
13. Плутарх. Сайланма. 3.Аълам ва Урфон Отажон таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006
14. Ёқубова М. Жамият ахборотлашувнинг фалсафий асослари. Фалс.фан. номз. Дисс. –Т.: Университет, 2007
15. Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007
16. Цицерон. Нотиклик санъати ҳақида икки рисола. Таржимон Урфон Отажон. –Т.: Янги аср авлоди, 2007
17. Ҳақиқат манзаралари. С.Жўраева таржимаси.– Т.: Янги аср авлоди, 2007
18. Отамуродав С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: Янги аср авлоди. 2008
19. Очилова Б. Миллий-маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. –Т.: Истиклол, 2009
20. Қурбонова Л. Инсон фалсафаси. –Андижон: АДУ, 2009

